

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Қўлёзма ҳуқукида
УДК: 330.101.(541)**

ИСКАНОВ БОЙМУРОД ШЕРМУРОД ЎҒЛИ

**Қашқадарё вилоятида аҳоли турмуш даражасини
юксалтиришнинг стратегик йўналишлари**

5А 230103 - Макроиқтисодиёт

**Магистр илмий даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

**Илмий раҳбар:
и.ф.н., доцент Асқарова М.Т.**

ТОШКЕНТ – 2019

Диссертацияда аҳолининг турмуш сифати тушунчаси ва унинг тақрибий қисмлари ўрганилган ҳамда аҳолининг турмуш сифатини белгиловчи асосий кўрсаткичларни ҳисоблаш ва тадқиқ этиш усуллари тадқиқ этилган.

Қашқадарё вилоятида аҳоли турмуш даражасининг асосий кўрсаткичлари таҳлил қилинган ва динамик ўзгариши ўрганилган. Шунингдек, ишда Қашқадарё вилоятида аҳоли турмуш даражасини баҳолаш негизида уни юксалтиришнинг стратегик йўналишлари белгилаб берилган.

The dissertation examined the concept of the quality of life of the population and its components, and also investigated methods for calculating and studying key indicators that determine the quality of life of the population.


In the Kashkadarya region, key indicators of the standard of living were analyzed and dynamic changes were studied. Also in the Kashkadarya region, strategic directions have been defined for raising the standard of living of the population.

В диссертации рассмотрено понятие качества жизни населения и его компонентов, а также исследованы методы расчета и изучения ключевых показателей, определяющих качество жизни населения.


В Кашкадарьинской области были проанализированы ключевые показатели уровня жизни и изучены динамические изменения. Также в Кашкадарьинской области определены стратегические направления повышения уровня жизни населения.

Магистрлик диссертация иши “Макроиктисодиёт” кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган.

5- сонли баённома « 29 » май 2019 йил

Илмий раҳбар: и.ф.н., доц. М.Т.Аскарова  « 29 » 05, 2019 йил

Магистрант: Б.Ш.Исканов

 « 29 » 05 2019 йил

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I-БОБ. АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАРНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	9
1.1 Аҳоли турмуш даражаси тушунчасининг мазмуни ва моҳияти.....	9
1.2 Аҳоли турмуш сифати тушунчаси ва унинг таркибий қисмлари.....	17
1.3 Аҳоли турмуш даражасини баҳолаш мезонлари.....	25
1-боб бўйича хулоса.....	35
II-БОБ. ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ.....	36
2.1 Мамлакатимизда аҳоли турмуш даражасини баҳоловчи даромадлар ҳолати ва аҳоли истеъмоли таркибидаги ўзгаришлар таҳлили.....	36
2.2 Қашқадарё вилояти аҳолисининг турмуш даражаси асосий кўрсаткичлари таҳлили.....	46
2-боб бўйича хулоса.....	56
III-БОБ. ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШЛАРИ.....	57
3.1 Давлат томонидан аҳоли турмуш даражасини тартибга солиш механизмини такомиллаштириш.....	57
3.2 Инноватсион ривожланиш шароитида Қашқадарё вилояти аҳолиси даромадлари ва турмуш даражасини ошириш истикболлари.....	68
3-боб бўйича хулоса.....	74
Хулоса ва таклифлар,,,,,,.....	75
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	78

Кириш

Диссертация мавзусининг долзарблиги. Ҳар қандай мамлакат аҳолисининг турмуш фаровонлигига таъсир этувчи асосий омилларнинг таъсирини кучайтириш, даромадлар тенгсизлигини юмшатиш бўйича бир қатор ислохотлар олиб боради. Аҳоли даромадларини ошириш ва турмуш даражасини яхшилаш бевосита уларнинг даромад манбаларига боғлиқ. Давлатнинг аҳоли даромадларини ошириш ҳамда турмуш даражасини яхшилаш вазифаси бугунги кундаги энг долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаб ўтганларидек: “Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар халқимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Бу ўзгаришларнинг дастлабки натижалари аҳолимиз ҳаёти ва кундалик турмушида ўзининг яққол ифодасини топмоқда, эл-юртимизнинг ижтимоий фаоллиги, эртанги кунга ишончи ўсиб бормоқда”¹.

Ўтган йиллар оралиғида давлат томонидан олиб борилган оқилона ижтимоий сиёсат ўз самарасини берди. Иқтисодиётимизнинг жадал ва мутаносиб ривожланиб бораётгани аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини изчил ошириш учун мустаҳкам замин яратмоқда. Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсия ва стипендиялар ҳажми 2017 йилда 1,15 бараварга ошди. Аҳолининг жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар эса 10,3 фоизга кўпайди. Аҳолининг умумий даромадлари таркибида тадбиркорлик фаолиятидан олинаётган даромадлар улуши тобора ортиб бормоқда.

Аҳоли турмуш даражасини барчамиз аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар миқдори ва истеъмол ҳажми миқдорининг ортиши ёки камайиши билан баҳолашга одатланганмиз. Аҳоли турмуш даражаси унинг сифат

¹ O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning. “2017-yilda amalga oshirilgan asosiy ishlar yakuni va O'zbekiston Respublikasini 2018-yilda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning eng ustuvor yo'nalishlariga bag'ishlangan” Oliy Majlis va Qonunchilik palatasiga murojaatnomasi. -T.: “O'zbekiston”. www.xabar.uz.